



MOLIYA VA BANK ISHI

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI BANK-MOLIYA AKADEMIYASI ILMIY JURNALI



Банк кредит портфелини диверсификациялаш орқали бошқариш ҳолати

Абсаламов Акрам Толлибоевич

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси, “Рақамли банк иши” кафедраси мудири

Норбаева Мухлиса Акрам қизи

Тошкент давлат иқтисодиёт университети, тадқиқотчи

Азизов Ойбек Рустамович

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси тингловчиси

Ёзишмалар учун электрон почта: akramabsalamov@gmail.com

Мақола ҳақида маълумот

Топширилган вақти: 19.09.2022

Қабул қилинган вақти: 01.10.2022

Таянч сўз ва иборалар: марказий банк, тижорат банк, кредит портфел, депозит, баланс.

Аннотация

Илмий мақолада Ўзбекистон банк тизимининг кредит портфели таҳлил қилинган. Таҳлил жараёнида АТБ Туронбанк фаолияти ўрганилган. Таҳлил натижаларига кўра АТБ Туронбанк кредит портфелининг каатта қисмини хусусий сектор корхоналари эгалламоқда. Албатта бу банк учун юқори даромад олиш йўлида қилинган иш сифатида кўришимиз мумкин. Аммо банк кредит портфелининг катта қисми бир тоифадаги субъектларга таълуқли бўлиши банк учун рискларни оширади. Шунингдек, АТБ Туронбанк томонидан жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар миқдори ошгани билан аммо кредит портфелидаги салмоғи пасайиб бормоқда.

Bank loan portfolio management through diversification

Absalamov Akram Tolliboevich

Head of Department of Digital banking, The Banking and Finance Academy of the Republic of Uzbekistan

Norbayeva Muxlisa Akram qizi

Tashkent State University of Economics, Researcher

Azizov Oybek Rustamovich

Graduate student at the Banking and Finance Academy of the Republic of Uzbekistan

Corresponding author: email: akramabsalamov@gmail.com

ARTICLE INFO

Received: 19.09.2022

Accepted: 01.10.2022

Key words: central bank, commercial bank, loan portfolio, deposit, balance sheet.

Abstract

The credit portfolio of the banking system of Uzbekistan is analyzed in the scientific article. During the analysis, the activity of ATB Turonbank was studied. According to the results of the analysis, most of the credit portfolio of ATB Turonbank is occupied by private sector enterprises. Of course, we can see this as a work done in order to get high income for the bank. But the fact that a large part of the bank's loan portfolio belongs to one category of subjects increases the risks for the bank. Also, the amount of loans allocated to household individuals by ATB Turonbank has increased, but its weight in the loan portfolio is decreasing.

КИРИШ

Мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда тижорат банклари кредитлари катта рол ўйнайди. Айнан банк кредитлари қайси соҳа ва тармоқларга йўналтирилса, ўша соҳа ёки тармоқ ривожланади. Шу билан бирга тижорат банклари кредитларидан ташкил топган кредит портфели барқарорлигини таъминлаш ва ушбу портфелни оптимал бошқариш орқали банк тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш мумкин. Чунки тижорат банклари молиявий ресурсларининг катта қисми кредитларга йўналтирилганлиги учун ундан кўриладиган рисклар ҳам юқоридир.

Миллий иқтисодиётни ривожлантириш учун ҳукуматимиз томонидан охириги йилларда кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт Стратегиясида ҳам иқтисодий ривожланиш соҳасига катта эътибор берилиб муҳим мақсадларни олдиға қўйган. Ушбу мақсадлардан бири мамлакатимизнинг иқтисодиёт тармоқларида барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлаш орқали келгуси беш йилда аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулотни — 1,6 барабар ва 2030 йилга бориб аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадни 4 минг АҚШ долларида ошириш ҳамда «даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар» қаторига кириш учун замин яратиш асосланган. Ушбу мақсадларга эришиш йўлиди макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш ва йиллик инфляция даражасини 2023 йилгача босқичма-босқич 5 фоизгача пасайтириш; давлат бюджети тақчиллигини қисқартириш ва 2023 йилдан ялпи ички маҳсулотга нисбатан унинг 3 фоиздан ошиб кетмаслигини таъминлаш; ҳар бир туман бюджетининг камида 5 фоизини «Фуқаролар бюджети» дастури доирасида аҳолининг таклифлари асосида энг долзарб муаммоларни ечишга сарфлашни ташкил қилиш; давлат қарзини бошқаришда йилига янги жалб қилинган ташқи қарз миқдори 4,5 миллиард АҚШ долларида ошиб кетмаслигини таъминлаш зарурлиги белгаланган¹.

Банк кредити республика иқтисодиётида муҳим ўрин тутиши ўз - ўзидан аниқ. У жисмоний ва юридик шахслар моддий техника базасини мустаҳкамлашга кўмаклашиб, асосий ва оборот ишлаб чиқариш фондларини тўзиш, тиклаш ва кўпайтириш манбаи бўлиб хизмат қилади. Корхоналар ва ташкилотларга ўз маблағлари билан чекланиб қолмаслик, янги пул маблағларини хўжалик оборотига киритиш имконини беради ва шу билан ишлаб чиқаришнинг ўсиши ва жадаллашиши учун зарур иқтисодий замин яратади.

Банклар ўз навбатида, иқтисодиётнинг турли тармоқларида қўшимча қарз маблағлари юзага келишининг асосий манбаи бўлиб, ишлаб чиқариш жараёнини қайта тўзималаш, фаол иқтисодий сиёсат юритиш, тадбиркорликни ривожлантириш ва ишлаб

чиқариш самарадорлигини ошириш учун қўшимча маблағларни жалб қилишга ёрдам беради.

Кредитлашни ташкил этиш кредит муносабатларининг икки субъекти – банк (қарз берувчи) ва мижоз (қарз олувчи) нинг ўзаро мажбуриятлари ҳамда манфаатларини уйғунлаштиришни назарда тутди. Тижорат банклари томонидан кредит операцияларини тўла-тўқис олиб бориш улар томонидан кредит сиёсатининг қай даражада тўзилганлигига боғлиқ. Ҳар бир банк сиёсий, иқтисодий, ташкилий ва бошқа жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда ўз кредит сиёсатини шакллантириши банк кредитлашининг муҳим жиҳати ҳисобланади. Бу кредитларни бошқаришнинг асоси ҳисобланади.

Тижорат банклари кредитларининг ўрни жуда юқоридир. Шунингдек, мамлакатимизда ишлаб чиқаришни ошириш учун ажратилаётган кредитлар банк тизимини ҳам катта рискка қўйиши керак эмас. Юқоридаги мақсадларга эришиш йўлида ушбу танланган мавзу бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир.

АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ

Кредит сиёсати талқинига бундай ёндашувни ҳозирги ғарб адабиётида ҳам учратиш мумкин. Мисол учун, Жаҳон банкининг Н. Брук таҳрири остидаги нашрида қуйидагиларни кўришимиз мумкин: «Сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ташкилий эҳтиёжлар, қоидалар, қонунлар ва бошқариш фалсафасининг интеграциясини билдиради. Бу корпоратив маданиятнинг ўсишига ижобий таъсир кўрсатади. Сиёсатни ишлаб чиқишда банк имиджи мустаҳкамланади ва келажакдаги натижаларга асос қўйилади. Аниқ белгилаб олинган сиёсатга эҳтиёж банкнинг кенгайиши, децентрализациялашуви ва мустақиллигининг ўсиши билан ортиб боради. Банк сиёсати кредитлаш, қимматли қоғозлар ва шўъба компанияларига инвестициялар, капитал қўйилмаларни молиялаш-тиришга одатда асосий функцияларни қамраб олади:

харажатлар;

персонал;

ички назорат ва молиявий бошқарув.

Сиёсатни ишлаб чиқиш кўп ҳолларда тармоқ сиёсатига, анъаналар ва «рахбарлар кенгаши» бошқарувчиларининг таклифларига асосланади»².

Кредит сиёсатининг юқорида келтирилган таърифлари бизга ҳозирги замон иқтисодий адабиётида бу тушунчанинг турли талқини мавжудлиги тўғрисида хулоса чиқаришга имкон беради, бу эса ўз навбатида кредит сиёсатининг моҳиятини аниқлаш заруриятини келтириб чиқаради.

Г.С.Панова (1997) шундай дейди: «Авваламбор, кредит сиёсатини иқтисодий сиёсат сифатида белгилаб олиш лозим. Аммо молиявий, нарх, солиқ,

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт Стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон фармони. www.lex.uz

² Абдусаломова О. Тижорат банклари кредитлаш амалиётини такомиллаштириш муаммолари // Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2002. 146 б.

фоиз ва иқтисодий сиёсатнинг бошқа кўринишларидан фарқли равишда кредит сиёсати уни иқтисодий сиёсатни ташкил этадиган элементлар умумий тизимидан ажратиб турадиган ўзининг маълум бир махсус белгиларига эга. Кредит сиёсатининг муҳим томони шуки, кредит сиёсати - бу кредитнинг ҳаракати билан боғлиқ сиёсат ҳисобланади».

Банк кредит ва депозит сиёсати бир асосга эга ва бир медалнинг икки томони каби ҳисобланади. Кредит ва депозит сиёсатининг ўтказилиши бир мақсадни кўзлайди – банкнинг ишончлилиги ва стабиллигини ушлаб турган ҳолда унинг даромадларини максималлаштиришдан иборат. Мувоzanат нуқтаси бўлиб банк ликвидлиги хизмат қилади.

Шунинг учун, бизнинг фикримизча, тижорат банкининг кредит сиёсатини кенг маънода, унинг депозит сиёсатини ҳисобга олган ҳолда кўриб чиқиш лозим. Ш.Абдуллаеванинг (2003) фикрича кредит сиёсати – бу кредит бериш борасида бўлгани каби, уни олиш борасидаги ҳам сиёсатдир.

Шундай қилиб, кредитни иқтисодий категория сифатида бошқариш даражасида депозитларни қайтариш асосида жалб қилиш ва ссудалар бериш бўйича сиёсат бир жараённинг икки тарафи ҳисобланади.

ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Илмий тадқиқотни амалга оширишда индукция, дедукция, синтез каби усуллардан фойдаланилган. Шунингдек, тижорат банклари кредит портфелини таҳлил қилишда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳамда АТБ Туронбанк расмий статистик маълумотларидан фойдаланилди.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР МУҲОКАМАСИ

Мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда тижорат банклари кредитлари катта рол ўйнайди. Айнан банк кредитлари қайси соҳа ва тармоқларга йўналтирилса, ўша соҳа ёки тармоқ ривожланади. Шу билан бирга тижорат банклари кредитларидан ташкил топган кредит портфели барқарорлигини таъминлаш ва ушбу портфелни оптимал бошқариш орқали банк тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш мумкин. Чунки тижорат банклари молиявий ресурсларининг катта қисми кредитларга йўналтирилганлиги учун ундан кўриладиган рисклар ҳам юқоридир.

Жадвал маълумотларида АТБ Туронбанкнинг мамлакатимиз иқтисодиётида тутган ўрнини таҳлил қилганмиз. Хусусан, 2016 йилдан бугунги кунга қадар банк тизимида сезиларли ислохотлар ўтказилди ва бунинг натижаси сифатида банк тизими активлари ва кредитлари катта миқдорда ўсиш тенденцияси кузатилди. Таҳлил натижаларига кўра 2017 йил 1 январь ҳолатига банк тизими активлари 84,07 трл.сўмни ташкил этган бўлса, 2022 йил 1 январь ҳолатига 444,92 трлн.сўмни ташкил қилган ва охириги беш йилда беш баробардан ҳам кўпроққа ошган.

Банк тизими активлари ва кредитлари ошгани каби АТБ Туронбанк актив ва кредитлари ҳам сезиларли ошган. Хусусан, 2017 йил 1 январь ҳолатига АТБ Туронбанк активлари 917 млрд.сўмни ташкил этган бўлса, 2022 йил 1 январь ҳолатига бу кўрсаткич 11,01 трлн.сўмга етган. Натижада охириги беш йил давомида АТБ Туронбанк активлари ўн бир баробарга ошган.

1-жадвал

АТБ Туронбанк умумий фаолияти таҳлили³

Кўрсаткичлар	01.01.2017	01.01.2019	01.01.2021	01.01.2022
Банк тизими активи	84 075,00	214 420,00	366 121,00	444 922,00
Давлат улуши мавжуд банклар активи	64 982,00	180 155,00	310 730,00	362 422,00
АТБ Туронбанк активи	917,00	3 149,00	8 714,00	11 010,00
АТБ Туронбанк активининг банк тизимидаги ўрни	1,09%	1,47%	2,38%	2,47%
АТБ Туронбанк активининг давлат улуши мавжуд банк тизимидаги ўрни	1,41%	1,75%	2,80%	3,04%


АТБ Туронбанк бутун банк тизимидаги ўрнини таҳлил қилганда, шуни айтишимиз мумкинки, бунда 2017 йил 1 январь ҳолатига АТБ Туронбанк активлари бутун банк тизими активларининг 1,09 фоизини ташкил этган бўлса, 2022 йил 1 январь ҳолатига 2,47 фоизга етган ва натижада банк тизими активлари ошиш тезлигидан икки баробар кўпроққа ошган.

Мамлакатимиз банк тизимида давлат улуши мавжуд банкларнинг банк тизимидаги аҳамияти ва ўрни юқориликча сақланиб қолган. Хусусан, 2017 йил 1 январь ҳолатига давлат улуши мавжуд банклар активлари 62,98 трлн.сўмни ташкил этган бўлса, 2022 йил 1 январь ҳолатига бу кўрсаткич 362,42 трлн.сўмни

ташкил қилган ва охириги беш йилда ўсиш олти баробарга яқин бўлмоқда. Яъни банк тизими активлари ўсишига қараганда давлат улуши мавжуд банклар активларининг ўсиши каттароқ бўлмоқда.

АТБ Туронбанк банк тизимидаги давлат улуши мавжуд банклар сирасига киришини инобат олган ҳолда ушбу банкнинг давлат улуши мавжуд банклар қаторида ҳам таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир. Хусусан, АТБ Туронбанк активларининг давлат улуши мавжуд банклар активларидаги салмоғи 2017 йил 1 январь ҳолатига 1,41 фоизни ташкил этган бўлса, 2022 йил 1 январь ҳолатига эса 3,04 фоизни ташкил этган.

³Ўзбекистон Республикаси Марказий банк ҳамда АТБ Туронбанк йиллик ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилди.




1-расм. АТБ Туронбанк кредитларининг активларига нисбати⁴

Яъни давлат улуши мавжуд банклар қаторида АТБ Туронбанк активларининг ўсиши каттароқ бўлган.

Юқорида таъкидлаганимиздек, тижорат банклари асосий даромадлари бу кредит операциясидан келади. Аммо шу билан бирга кредит операциялари активларининг аксарият қисмини ташкил этиши ўз навбатида тизимли рискларни вужудга келтиради. Ушбу гипотезамиздан келиб чиқиб, банк тизимида ва хусусан, АТБ Туронбанк статистик маълумотларидан

кредитларнинг активларга нисбати таҳлил қилинган. Таҳлил натижаларига кўра, 2017 йил 1 январь ҳолатига банк тизими кредитларининг активларга нисбати 62,58 фоизни ташкил этган бўлса, 2022 йил 1 январь ҳолатига 73,36 фоизни ташкил этган. Шунингдек, давлат улуши мавжуд банкларда кредитларнинг активларга нисбати кўрилатган даврда мос равишда 68,15 ва 77,28 фоизларни ташкил этган.



2-расм. АТБ Туронбанк кредитларининг активларига нисбати⁵

Давлат улуши мавжуд банкларда кредитлар ҳажмининг юқорилиги олдинги даврда ҳам сақланиб қолган. Хусусан, 2017 йил 1 январь ҳолатига бу кўрсаткич 68,15 фоизни ташкил этган. 2018 ва 2019 йилларда давлат дастурларини кредитлар ва ижтимоий кредитларнинг кескин ошиши кузатилди

ва бу кўрсаткич мос равишда 82,59 ва 81,10 фоизларни ташкил этилди. Шунингдек, кредитлар ҳажмининг ошиши муаммоли кредитларни ҳам кўпайтирди. Натижада 2020 йилларга келиб бу кўрсаткич пасайган. Хусусан, 2022 йил 1 январь ҳолатига давлат улуши мавжуд банкларда кредитларнинг депозитларга

⁴Ўзбекистон Республикаси Марказий банк ҳамда АТБ Туронбанк йиллик ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилди.


⁵Ўзбекистон Республикаси Марказий банк ҳамда АТБ Туронбанк йиллик ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилди.

нисбати 77,28 фоизга тушган.

Банк тизимидаги бу тенденция АТБ Туронбанкда ҳам кузатилган. Хусусан, 2017 йил 1 январь ҳолатига АТБ Туронбанк кредитларининг активларга нисбати 55,73 фоизни ташкил этган бўлса, 2022 йил 1 январь ҳолатига банк молиявий ресурсларининг 73,83 фоизи кредитларга йўналтирилган.

Банк кредитларининг асосий манбаси депозитлар ҳисобланади. Банк қанча кўп депозит жалб қилса, шунча кўп кредит ажратиш салоҳиятига эга бўлади. Юқоридаги расм маълумотларидан кўришимиз

мумкинки, давлат улуши мавжуд банкларда кредитларнинг депозитларга нисбати давлат улуши мавжуд бўлмаган банкларга нисбатан бир неча бор юқоридир. Шунингдек, АТБ Туронбанк кредитларининг депозитларга нисбати 2017 йил 1 январь ҳолатига 93,93 фоизни, яъни банк кредитларини депозитлари ҳисобига бераётган бўлса, 2022 йил 1 январь ҳолатига 286,43 фоизни ташкил этган. Бу билан айтишимиз мумкинки, банк кредитлари манбаси арзон ресурслар ҳисобланиб қолган.



3-расм. АТБ Туронбанк кредитларининг соҳалар бўйича диверсификацияси⁶

АТБ Туронбанк охириги беш йил давомида кредитлари ҳажми сезиларли ошган. Хусусан, 2017 йил 1 январь ҳолатига умумий кредитлари 906,36 млрд.сўмни ташкил этган бўлса, 2022 йил 1 январь ҳолатига бу кўрсаткич 8129,47 млрд.сўмга етган. Бу беш йил ичида банк кредитлари тўққиз баробарга ошган.

Ушбу кредитларнинг катта қисми саноат соҳасига ажратилган бўлиб, 2017 йил 1 январь ҳолатига саноат соҳасига 173,1 млрд.сўм кредит ажратилган бўлса, 2022 йил 1 январь ҳолатига 3132,8 млрд.сўм ажратилган. Шу беш йил давомида банк томонидан саноат соҳасига ажратилган кредитларининг кредит портфелидаги салмоғи 20 фоиздан 40 фоизга кўтарилган.

Иккинчи ўринда АТБ Туронбанк томонидан қишлоқ хўжалигига ажратилган кредитлар эгалламоқда. Хусусан, 2017 йил 1 январь ҳолатига банк томонидан қишлоқ хўжалигига ажратилган кредитлар 83,7 млрд.сўмни ташкил этган ва бу

умумий кредит портфелида 10 фоиз атрофида бўлса, 2022 йил 1 январь ҳолатига бу соҳага ажратилган кредитлар 1921,4 млрд.сўмни ва мос равишда кредит портфелида 20 фоизга яқин қисмини эгаллаган.

АТБ Туронбанк томонидан савдо соҳасига кредит ажратиш 2016 йилда манфаатли ҳисобланган бўлса, кейинги йилларда унинг ошиш тенденцияси юқоридаги икки соҳа каби тез кетмаган. Хусусан, 2017 йил 1 январь ҳолатига банк томонидан савдо соҳасига ажратилган кредитлар умумий кредит портфелида саноат соҳасига ажратилган кредитлардан кейинги ўринни эгаллаган ва бу 140,2 млрд.сўмни ташкил этган бўлса, 2022 йил 1 январь ҳолатига 609,4 млрд.сўмни ташкил этган. Савдо соҳасига ажратилган кредитларнинг умумий кредит портфелидаги салмоғига назар солсак, унда 2017 йил 1 январь ҳолатига 15 фоиз атрофида бўлган бўлса, 2022 йил 1 январь ҳолатига 8 фоиз атрофида бўлган.

⁶ АТБ Туронбанк йиллик ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилди.


2-жадвал.

АТБ Туронбанк кредитларининг ажратилган субъектлар кесимида диверсификация⁷

Кўрсаткичлар	01.01.2018	01.01.2020	01.01.2022	2021 йилда 2017 йилга нисбатан ўзгариши (фоизда)
Жисмоний шахслар	180,09	402,27	1143,50	534,97%
Давлат корхоналари	18,05	206,73	165,80	818,32%
Қўшма корхоналар	59,69	254,22	352,50	490,54%
Хусусий корпорациялар	607,50	3302,31	6349,10	945,12%
Фермер хўжаликлар	17,41	0,03	0,02	-99,89%
Бошқа банклар	0,00	0,00	0,00	---
Марказий банк	0,00	0,00	0,00	---
Хукумат	0,00	0,00	0,00	---
Нобанк молия ташкилотлар	0,46	0,70	1,70	271,73%
Нодавлат нотижорат ташкилотлар	21,63	47,16	43,89	102,89%
Бюджет ташкилотлар	0,00	0,00	0,00	---
Бошқалар	1,52	50,29	72,99	4708,73%
Жами кредитлар	906,36	4263,71	8129,47	796,94%

Юқоридаги жавлал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, АТБ Туронбанк томонидан хусусий корхоналарга ажратилган кредитлар кредит портфелининг катта қисми ташкил этади. Хусусан, бу тоифадаги корхоналарга ажратилган кредитлар 2017 йил 1 январь ҳолатига 607,50 млрд.сўмни ташкил этган бўлса, 2022 йил 1 январь ҳолатига 6349,10 млрд.сўмни ташкил этган. Шу давр мобайнида ўсиш ўн баробардан ҳам кўпни ташкил этган.

АТБ Туронбанк кредит портфелида кейинги ўринни жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар ташкил этади. Хусусан, 2017 йил 1 январь ҳолатига банк томонидан жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар 180,09 млрд.сўмни ташкил этган бўлса, 2022 йил 1 январь ҳолатига 1143,50 млрд.сўмни ташкил қилган ва умумий ўсиш олти баробар атрофида бўлган.



4-расм. АТБ Туронбанк кредитларининг ажратилган субъектлари бўйича диверсификацияси⁸

АТБ Туронбанк томонидан ажратилган кредитлар суммаси бўйича кейинги ўринни қўшма корхоналар эгаллаган. Жумладан 2017 йил 1 январь ҳолатига банк томонидан қўшма корхоналарга 59,69 млрд.сўм кредит ажратилган бўлса, 2022 йил 1 январь ҳолатига 352,50 млрд.сўм кредит ажратилган. Ушбу корхоналарга ажратилган кредитлар охириги беш йилда 490 фоизга ошган.

АТБ Туронбанк томонидан фермер хўжаликларида ажратилган кредитлар 2017 йилдан 2022 йилгача

кескин камайиб кетган. Хусусан, 2017 йил 1 январь ҳолатига банк томонидан фермер хўжаликларида ажратилган кредитлар 17,41 млрд.сўмни ташкил этган бўлса, 2022 йил 1 январь ҳолатига 0,03 млрд.сўмни ташкил этган. Шунингдек, АТБ Туронбанк томонидан банклараро кредитлар, хукуматга кредитлар ҳамда бюджет ташкилотларига кредитлар умуман ажратилмаган.

АТБ Туронбанк кредит портфелининг каатта қисмини хусусий сектор корхоналари эгалламоқда.

⁷ АТБ Туронбанк йиллик ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилди.

⁸ АТБ Туронбанк йиллик ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилди.

Хусусан, 2017 йил 1 январь ҳолатига умумий кредит портфелининг 68 фоизи хусусий корхоналарга ажратилган кредитлар ташкил этган бўлса, 2022 йил 1 январь ҳолатига бу кўрсаткич 80 фоизга яқинлашган. Албатта бу банк учун юқори даромад олиш йўлида қилинган иш сифатида кўришимиз мумкин. Сабаби хусусий корхоналар бозор тамойиллари асосида кредит олишади, яъни ушбу кредитлар имтиёзли кредитлар ҳисобланмайди. Аммо банк кредит портфелининг катта қисми бир тоифадаги субъектларга таълуқли бўлиши банк учун рискларни оширади.

АТБ Туронбанк томонидан жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар миқдори ошгани билан аммо кредит портфелидаги салмоғи пасайиб бормоқда. Хусусан, 2017 йил 1 январь ҳолатига умумий кредит портфелининг 20 фоизга яқини жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар ташкил этган бўлса, 2022 йил 1 январь ҳолатига бу кўрсаткич 13 фоиз атрофида бўлмоқда.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда тижорат банклари кредитлари катта рол ўйнайди. Айнан банк кредитлари қайси соҳа ва тармоқларга йўналтирилса, ўша соҳа ёки тармоқ ривожланади. Шу билан бирга тижорат банклари кредитларидан ташкил топган кредит портфели барқарорлигини таъминлаш ва ушбу портфелни оптимал бошқариш орқали банк тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш мумкин. Чунки тижорат банклари молиявий ресурсларининг катта қисми кредитларга йўналтирилганлиги учун ундан кўриладиган рисклар ҳам юқоридир.

АТБ Туронбанк кредит портфелининг каатта қисмини хусусий сектор корхоналари эгалламоқда. Хусусан, 2017 йил 1 январь ҳолатига умумий кредит портфелининг 68 фоизи хусусий корхоналарга ажратилган кредитлар ташкил этган бўлса, 2022 йил 1 январь ҳолатига бу кўрсаткич 80 фоизга яқинлашган. Албатта бу банк учун юқори даромад олиш йўлида қилинган иш сифатида кўришимиз мумкин. Сабаби хусусий корхоналар бозор тамойиллари асосида кредит олишади, яъни ушбу кредитлар имтиёзли кредитлар ҳисобланмайди. Аммо банк кредит портфелининг катта қисми бир тоифадаги субъектларга таълуқли бўлиши банк учун рискларни оширади.

АТБ Туронбанк томонидан жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар миқдори ошгани билан аммо кредит портфелидаги салмоғи пасайиб бормоқда. Хусусан, 2017 йил 1 январь ҳолатига умумий кредит портфелининг 20 фоизга яқини жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар ташкил этган бўлса, 2022 йил 1 январь ҳолатига бу кўрсаткич 13 фоиз атрофида бўлмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022- 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 мартдаги “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3620-сонли Қарори.
3. Dirk F. Gerritsen, Jacob A. Bikker and Mike Brandsen (2017). Bank switching and deposit rates: Evidence for crisis and non-crisis years. Utrecht University School of Economics Tjalling C. Koopmans Research Institute Discussion Paper Series 17-18. pp 16.
4. Jens Eisenschmidt and Frank Smets (2019). Negative Interest Rates: Lessons from the Euro Area. *European Central Bank Working Paper*.
5. J. Dermine (1986). Deposit rates, credit rates and bank capital the Klein-Monti model. *Journal of Banking and Finance* 10. pp 99-114.
6. Абдуллаева Ш.З. Банк иши. – Тошкент: Молия, 2003. –245 б.
7. Г.С.Панова. Тижорат банкларининг кредит сиёсати – М.:ИКЦ «ДИС», 1997 йил.